# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 66 (8.650) ◆ 1995 йил ◆ 9 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ҲУСАНХЎЖАЕВ САИД АҲМАДНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари, республикада яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 июнь.


● *Саид АҲМАД таваллудининг 75 йиллигига бағишланган материаллар газетанинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда.*


## БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАШРИФ

*7 июнь, РИГА. (ЎзА махсус мухбири Ғулом МИРЗО хабар қилади).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвияга сафари иккинчи куни ҳам амалий учрашувлар, фойдали мулоқотлар билан бошланди. Эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Рига биржаси биносида Латвия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Республикамиз раҳбари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, иқтисодий салоҳияти, бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий тамойиллари ҳақида, мамлакатимиз билан Латвия ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар имкониятлари ва ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўзлади. Латвиялик тадбиркорларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Ислом Каримов Латвия Сеймига ҳам ташриф буюриб, Сейм Раиси Анатолий Горбунов билан учрашди. Ўзаро мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикрлашиб олинди. Учрашувда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Андрис Вилцанс, Латвия Сейми вакиллари, шунингдек, мамлакат парламентининг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича яқинда тузилган гуруҳи раҳбари Ч. Урбанович иштирок этди.

Рига қўрғонининг давлат тантаналари залида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманис журналистлар билан учрашиб, уларнинг ўзаро музокаралар якунлари хусусида берган саволларига жавоб қайтардилар. Қўрғоннинг туғролар залида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон раҳбарининг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Шу куни Президент Ислом Каримов Рига аэропортидан Литва Республикаси пойтахти Вильнюс шаҳрига жўнаб кетди.

Рига аэропортида Президент И. Каримовни Латвия Бош вазири М. Гайлис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

***

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Литва Республикаси пойтахтига келди. Ўзбекистон ва Литва давлатлари байроқлари билан безатилган Вильнюс халқаро аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Литва Республикаси Бош вазири А. Шлежявичюс, республика ташқи ишлар вазири П. Гилис ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон Президентига Литва замини гулларини тақдим этди.

Вильнюсдаги Президент саройида олий даражали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Маросим тугагач, Президент Ислом Каримов ва Литва Президенти Альгирдас Бразаускас ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Литва Президенти Альгирдас Бразаускас Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ўртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Ҳукуматлараро битимларга икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари — А. Комилов ва П. Гилис имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Литва Республикасига расмий давлат ташрифи давом этмоқда.

* * *

*8 июнь, Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Ғулом МИРЗО хабар қилади).*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Литвага сафарининг иккинчи куни мамлакатдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов Болтиқбўйи мамлакати ишбилармонларига Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўзлади. Уларни ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисса қўшишга даъват этди. Литвалик тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Республикамиз Президенти Вильнюс шаҳридаги «Аудеяс» Гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Сейми раиси Чесловас Юршенас билан учрашди. Мулоқот ниҳоясида Ислом Каримов фахрий меҳмонлар китобига эзгу тилаклар билдирилган дастхат қолдирди.

Ташриф ниҳоясида Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Сарой майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Литва мадҳиялари янгради.

Президент Ислом Каримов шу куни Вильнюсдан Тошкентга жўнаб кетди. Вильнюс халқаро аэропортида республикамиз Президентини Литва Бош вазири А. Шлежявичюс, ташқи ишлар вазири П. Гилис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

***

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вильнюсдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

**(ЎзА).**

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Ўзбекистон — Хитой савдо иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган ХХР делегацияси аъзолари кеча республикамиз ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбексавдо» уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлдилар.

❑ Самарқанднинг «Сино» совутгичлар ишлаб чиқариш заводи Геманиянинг «Фарон» фирмаси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Бу ерда ташкил этиладиган «Фарсин» қўшма корхонасида совутгичлар ишлаб чиқаришни ўн баробарга ошириб, уларнинг сонини йилига 400 мингтага етказиш мўлжалланган.

❑ Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида кеча Швейцария ва республикамизнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислари ўртасида амалий учрашув бўлиб ўтди. Унда экинларни ҳимоя қилишда самарали воситалардан фойдаланиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

❑ «Экосан» жамғармаси Тошкентдаги 10-болалар юқумли касалликлар шифохонасига умумий қиймати 350 минг сўм турадиган тақчил дори-дармонлар ҳадя этди.

❑ Андижонда анъанавий «Ўзбекистон — Ватаним менинг» меҳнат ва санъат фестивали давом этмоқда.

❑ Наманганда вилоят фан ва техника маркази ташкил этилди. Унинг олдига илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш вазифаси қўйилган.

❑ Бугун «Халқ сўзи» газетасида Қирғизистоннинг таниқли адиблари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини тузиш ғоясини қўллаб-қувватлашлари ҳақидаги мактублари эълон қилинди.

❑ Янги Деҳли университети профессори Муҳаммад Аминнинг ташаббуси билан Тошкентдаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига Бобурийлар даврига оид 150 та тарихий, илмий ва бадиий асарлар туҳфа этилди.

❑ Кеча валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдо натижаларига кўра 9 июндан бошлаб 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 28 сўм 70 тийин қилиб белгиланди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Сочида Россия ва Украина Президентлари Борис Ельцин ва Леонид Кучма ўртасидаги музокараларда Қора денгиз флотини ўзаро бўлиб олиш масаласи муҳокама этилмоқда.

❑ Сахалинда рўй берган зилзиладан кўрилган зарар 500 миллиард Россия рублини ташкил этиши маълум қилинди. Бу ерда бинолар остидан 2149 киши топилди. Уларнинг 406 нафаригина тирикдир.

❑ Кеча Тбилисида Грузия раҳбари Эдуард Шеварднадзе билан Россия чегара қўшинлари қўмондони Андрей Николаев ўртасидаги музокараларда Грузиянинг Чеченистон билан чегарасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

❑ Москва шаҳар Мишчан туман суди Либерал-демократик партия етакчиси Владимир Жириновскийга нисбатан чиқарган ҳукмда унга партиявий маслакдоши Андрей Завидийга 4 миллион 300 минг рубль тўлаш мажбуриятини юклади. Владимир Жириновский 1993 йил октябрь ойида бўлиб ўтган сайловларда овоз бериш тугагандан сўнг Андрей Завидийни депутатликка номзодлар партия рўйхатидан ўчириб ташлаганлиги учун шундай қарорга келинди.

### ХОРИЖДА

❑ Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирлиги вакили берган баёнотига кўра ҳозирги пайтда Американинг чет эллардаги қўшинлари сони 200 минг нафардан кўпроқни ташкил этар экан.

❑ Италияда ҳам матбуот учун ишлатиладиган қоғоз нархи кўтарилиб бормоқда. Шу йил бошидан бу ерда қоғоз нархи 1,5 бараварга ортди.

❑ Польшада полиция 100 метрдан кўпроқ узунликдаги темир йўл рельсларини ўғирлаб кетган шахсларни қидирмоқда. Яқинда эса бу ерда пўлатдан тайёрланган кўприк гумдон қилинди. Бу ўғирликларга металл парчалари нархи юқорилиги сабаб бўлмоқда.

❑ Исроилликлар Фаластинга чекланган мухторият берилиши сабабли ўз қўшинларини Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан олиб чиқиб кетиш 1 миллиард долларга тушишини ҳисоблаб чиқдилар. Шунга қарамасдан улар бу ерда барқарор тинчлик ўрнатиш бундан ортиқ харажатларни ҳам оқлашини таъкидламоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ВА «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси «Меҳнат шуҳрати» ва «Шон-шараф» орденларининг эскизларини, уларнинг тавсифини, шунингдек бу мукофотлар тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини маъқуллади ҳамда уларни халқ муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилди.

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган меҳнатдаги улкан ютуқлар учун мукофотлаш таклиф этилмоқда.

Орден эскизи миллий рамзий белгилар билан бойитилган. Орденнинг юқори қисмида ҳилпираб турган Ўзбекистон давлат байроғи тасвири акс этган. Орденнинг марказида республика аҳолисига ва пойтахтимизнинг кўп сонли чет эллик меҳмонларига яхши таниш бўлган Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги саройининг олд кўриниши тасвирланган. Орденнинг эскизида очилган пахта чаноқлари миллий бойлигимиз рамзи, тишли ғилдиракча эса республика саноати рамзидир.

«Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар. Таклиф этилаётган вариантда орден икки даражали бўлади.

Орден эскизининг марказида қаҳрамонлик ва шон-шавкатни, фидойиликни ва мардликни ифодаловчи қалқон ҳамда қиличлар тасвирланган. Орденнинг юқори қисмида симметрик тарзда давлат байроғи рангларидаги ёйилиб турган мато (лента) жойлашган.

Қуйида янги орденларнинг эскизлари, уларнинг тавсифлари ва улар тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини эълон қилмоқдамиз. Таклиф ва мулоҳазалар уларни узил-кесил такомилига етказиш ҳамда ушбу давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлашда қараб чиқилади.

Таклиф ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:
700008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси.
Телефонлар: 398-722, 398-729.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси маъқуллансин.
2. «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.
3. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси муҳокама давомида тушган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқсин, «Меҳнат шуҳрати» орденининг эскизини, тавсифини ва орден ҳақидаги Низом лойиҳасини такомилига етказсин ҳамда Олий Мажлиснинг муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

*Лойиҳа*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Меҳнат шуҳрати» орденини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

5. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Меҳнат шуҳрати» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

*Лойиҳа*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ




«Меҳнат шуҳрати» ордени 0,5 микрон қалинликда никель ва 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади.

Орден марказ қисмидан нурлар таралиб турган яшил дафна новдалари билан ўралган бўртма нотўғри эллипс шаклидадир.

Орденнинг юқори қисмида ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган. Орденнинг бўйи — 46 миллиметр, эни — 41 миллиметр.

Орденнинг марказида, диаметри 16 миллиметрли кумуш ранг доира ичида, қуёш фонида кумуш рангда Тошкент шаҳридаги Халқлар Дўстлиги саройи тасвирланган. Доира оқ эмаль билан қопланган пахта чаноқлари ва диаметри 29 миллиметрли тишли ғилдиракча билан ҳошияланган. Пастда кумуш ранг ҳошияли қизил ёқут рангдаги фонда «MEHNAT SHUHRATI» деган кумуш ранг ёзув бор. Ҳарфларнинг бўйи 2 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифтда орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Сариқ йўлнинг эни 3 миллиметр, қизил йўлнинг эни 8,8 миллиметр, ҳаво ранг йўлнинг эни 4,8 миллиметр, яшил йўлнинг эни 4 миллиметр, четдаги сариқ йўлнинг эни 3,2 миллиметр. Ҳаво ранг ва яшил йўллар бири-биридан эни 0,2 миллиметрли оқ йўл билан ажратилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

### «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Шон-шараф» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси маъқуллансин.
2. «Шон-шараф» орденининг эскизи, тавсифи ва орден ҳақидаги Низом лойиҳаси халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.
3. Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси муҳокама давомида тушган таклифлар ва мулоҳазаларни қараб чиқсин, «Шон-шараф» орденининг эскизини, тавсифини ва орден ҳақидаги Низом лойиҳасини такомилига етказсин ҳамда Олий Мажлиснинг муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

*Лойиҳа*

### «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, Ўзбекистонда мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Шон-шараф» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Шон-шараф» ордени,

II даражали «Шон-шараф» ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тариқасида, камида уч йил оралатиб: II даражали ва I даражали навбатида амалга оширилади.

3. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

4. «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

5. «Шон-шараф» ордени ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

6. II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

I даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

7. «Шон-шараф» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

8. «Шон-шараф» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

*Лойиҳа*

### I ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ




I даражали «Шон-шараф» ордени 0,5 микрон қалинликда никель ва 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденнинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган кумуш ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида кумуш рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли кумуш ранг «I» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шохлари билан ҳошияланган.

Орденнинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларидаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденнинг қуйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда кумуш ранг «SHON-SHARAF» деган ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифт билан орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан эни 5 миллиметрли оч яшил рангли йўл, кейин эса эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

*Лойиҳа*

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ




II даражали «Шон-шараф» ордени кумуш қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденнинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган зарҳал ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида зарҳал рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли зарҳал ранг «II» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шохлари билан ҳошияланган.

Орденнинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларидаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденнинг қуйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда зарҳал ранг «SHON-SARAF» деган ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталикдаги шрифт билан орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан бири-биридан эни 1 миллиметрли оқ йўл билан ажралиб турадиган эни 2 миллиметрли иккита оч яшил рангли йўл ўтган. Кейин эса икки томондан эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.

## Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад—75 ёшда

# ДАВР КУЙЧИСИ



*МИРМУҲСИН,*
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН

Азизим, қадрдоним, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад етмиш беш ёшга тўлди. Ҳа, онаси қорнидан ёзувчи бўлиб туғилган десам муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, у жуда эрта ижод ва яратиш машаққатига кирган, ўттизинчи йиллар ўрталаридаёқ ўз ҳикоя, мақола ва ҳатто шеърлари билан матбуотни, ўзининг сўзамол муомаласию суҳбати беназирлиги билан дўстлар боғини обод қилиб келган, такрори йўқ бир қаламкашдир. У «Уфқ», «Жимжитлик», «Ҳукм»дек катта асарлари билан бирга жуда кўп ҳажвий ва жиддий ҳамда ошиқона ҳикоялар ёзди, халқимиз ичида катта обрўга эга бўлди. Унинг «Келинлар қўзғолони» саҳна асари Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг энг яхши спектаклларидан бўлиб, жуда кўп мамлакатларда, Яқин Шарқда, Хитойда, Оврўпода... таржималари қўйилди, «Ревизор» асаридек донг таратгани сабабли, баъзан азизимни ҳазиллашиб, «Ҳой Гоголь бола, яна битта шундай асарни яратишга бел боғласангиз яхши бўларди. Буюк театримиз залида ичакузди кулги бунчалик янграган эмас», дердик. Биз у билан деярли бир ердан, бир маҳалладан чиққанмиз, дўсту ошно бўлганимизга етмиш йил бўлибди — баъзан одамлар ичида мени «Саид Аҳмад ака, яхшимисиз!» деб мурожаат этадиганлар қанча! Унга ҳам «Ҳа, Мирмуҳсин ака, саломатмисиз?» дейдиганлар кўп эканини айтади. Бизлар гўё Ҳасан-Ҳусанмиз, кўкалдошмиз... Бизлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан Ҳасан-Ҳусан бўлсак керак.

Энг муҳими шуки ёшлигимизда бир неча савоб ишларимиз учун нотаниш бир чол бизни дуо қилган эди — ўша мўйсафид албатта ҳазрати Ҳизр алайҳиссалом бўлишлари керак, халқ йўлида чарчамай хизмат қилиб келмоқдамиз, азизим ҳамма яхши ишларда илғор. Баъзан гапларимиз қовушмай қолганда муҳтарама Саида Зуннунова билан Мунаввара хонимлар бизларни яна аҳил қилиб қўярди.

Саид Аҳмаднинг таланту салоҳияти олдида таъзим этамиз! Ўртоқлик, ошналик ўз йўлига, у наинки яхши асарлар яратди, адабиётимиз шуҳратини оширишда ҳам кўп ишлар қилди. Умр бўйи оғир ижод заҳматини қилиб, игна билан қудуқ қазиб, мисқоллаб обрў йиққан адиб Саид Аҳмадни буюк адиб, десам хато бўлмайди. Бундай адиблар тириклигида ҳам яхши ва адолатли сўзларни эшитса дуруст бўлади. Ёшларнинг пешонаси силанса бўйи ўсади, кексаларга ширин сўз дукдук уриб турган қалбига қувват беради.

Азизимнинг юбилейи арафасида, телевидениемизда тўқсон, юзга кирган боғбон бобойларни кўрдим, улар бардам кетмон уряпти, ҳомток қиляпти... Соқолини тутамлаб қолаётгани йўқ. Дўстим, сен ҳам қўлингга ҳасса ушламай, шу отахонлардек адабиётимиз боғбони бўлиб, юзлардан ошиб ишлаб, чақ-чақлаб юрабер! Ҳали қилинмаган ишларимиз кўп. Аллоҳдан сенга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, пири бадавлатлик тилайман.




*Дил изҳори*

## ҒУРУРИМИЗ ОЛАМ-ОЛАМ

**Ғани АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Қариган чоғимда бу Саид Аҳмад кўп савдоларни бошимга солди. Шаҳарда дув-дув гап тарқалиб кетди: «Нима дейсан, Ғани Аъзамов «Куёв» бўлибди!» «Кечагина олтин қидириб юрган ўша Мўмин-а?» Ҳаммаси адибнинг пьесасидан бошланган аслида. Бир пьеса ёзиб келди театрга денг. Ўқиб кўрсам худди менинг ўзим. Ойнага қарагандай бўлдим. Қаҳрамоннинг оти ҳам Ғанивой. Шундай қилиб «Куёв» бўлдим. Ўзи Саид Аҳмаддан яхши гаплар чиқади. «Келинлар қўзғолони» ҳали босилмай туриб янги томоша кўрсатди. Одамларга жуда манзур бўлди. Ҳатто кўча-кўйда мени кўрсатиб «Саид Аҳмаднинг куёви» деб ғапирадиган ҳам бўлишибди.

Нима бўлганда ҳам Саид Аҳмаддан хурсандман. Қалами қўлидан тушмасин, ёзаверсин. Биз актёрлар яхши пьесаларга чанқоқмиз. Шу чанқоғимизни Саид Аҳмад қондирмаса ким қондиради.

Шундай забардаст адибимизнинг пьесасида роль ижро этганимдан ҳамиша ғурурланиб юраман. Фармонбиби ҳам, Ғанивой ҳам элимизга, халқимизга эш бўлиб кетди, ошно бўлиб кетди. Бунда озгина ҳиссамиз борлигидан ғурурланамиз. Биз ғурурланадиган асарлар ёзаверсин суюкли адибимиз.

## ТЎЙЛАР МУБОРАК

**Обид ЮНУСОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Кўпларнинг менга ҳаваси келади. Сабаби севимли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг деярли барча саҳна асарларида, бадиий фильмларида қатнашганман. «Келинлар қўзғолони»да ҳам, «Тўйлар муборак»да ҳам...

Саид Аҳмад аканинг ҳикоялари, айниқса, ҳажвий асарларини ўқиб, олган роҳатимни, туйган завқимни, мазза қилиб кулганимни сўз билан ифода этолмайман. «Тўйлар муборак» бадиий фильмида рости анча қийналганман.

Биласиз, бечора куёв албастирчилик ҳам қилади. Бир ой олинганов шу лавҳа. Эрталаб келаман, резина этик кияман этикни ичига албастир қуйилади. Ҳамма тушликка чиқади, мен ўтираман. Ҳов, дейман, нима обед менга тегишли эмасми?

Хачатуров қараб туриб-туриб қўл силтайди: «Синдиринглар». Тушдан кейин яна шу азоб, оёқларим неча марта шилиниб кетган, буни ёлғиз ўзим биламан. Шунинг учун ҳам шу кино жуда мен учун қадрли.

«Тўйлар муборак»ни кўрганлар сўрайвериб безор қилиб юборишарди: «Қандай қилиб албастирдан чиқиб олгансиз?», «Шунақа ёмон қотар эканми?», «Ўзи ҳаётда бўлганми шу гап?». Саид Аҳмад ака кўрган эмас-у, шунга ўхшаш воқеани эшитган экан. Кейин ҳикоя ёзган эканлар. Ундан «Тўйлар муборак»да ҳам фойдаланганлар.

Саид Аҳмад — худо берган истеъдод соҳиби. Не бахтки, шундай адибнинг асарларида роллар ижро этдим.

Бугун у кишини 75 ёшликлари билан муборак этар эканман, икки қўлимни кўксимга қўйиб дейман:

—Тўйлар муборак, Саид Аҳмад ака!

**Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган асарни ўзбек маданий ҳаётида диққатга сазовор воқеа сифатида эътироф этиб келинишига шубҳа бўлмаса керак. Бинобарин, унинг номи тилга олиниши билан юз-кўзингизда табассум пайдо бўлади.**

**Шундай қилиб, «Келинлар қўзғолони»...**

*Адиб билан суҳбат*

## ЖАҲОНГАШТА ФАРМОНБИБИ

**— Домла, ҳар қандай маълум ва машҳур асарнинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлади. Бу жараён эса кўпроқ ўша асарнинг ўз муаллифига аёндир. «Келинлар қўзғолони»нинг дунёга келишига нима сабаб ёки туртки бўлганди?**

— Аслини олганда драматург бўлиш, пьеса ёзиш умуман хаёлимда ҳам йўқ эди. Ўзингиз мендан ҳам жуда яхши биласиз, «Табассум» радиожурнали ташкил бўлганидан бери ёзган интермедияларим, ҳажвияларим билан фаол қатнашиб юрдим. Шу билан бирга «Телевизион миниатюралар театрида» ҳам 250 дан ортиқ кичик-катта ҳажвий миниатюраларим ўйналиб турилди.

Комедия ёзиш қийин. Бунинг учун ёзувчи ҳаётда кулгили воқеаларни кўра билиши, бошқалар сезмайдиган ҳолат ва вазиятларни дарҳол илғай олиши ва энг муҳими, уни гоҳ завқли, гоҳ аччиқ тил билан баён этиб, ўқувчи ва томошабинни кулдира олиши зарур. «Келинлар қўзғолони» пьесаси менинг биринчи йирик драматургик асарим ҳисобланади. Энди бу ёғини эшитинг!

Ўзингиз яхши биласиз, аслида «Келинлар қўзғолони» ҳикоя бўлиб, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси таклифи билан саҳна асарига айлантирилган.

Бир куни Халқ артисти, Ҳамза номидаги академик драма театрининг ўша пайтдаги директори Олим Хўжаев уйга қўнғироқ қилиб, «Бир келиб кетсангизлар» деб, спектаклга таклиф қилдилар. Кеннойингиз Саидахон билан бирга бордик. Спектаклга тушганимизни биламиз, бир диққинафас томоша қўйилаётган экан. Назаримда, томошабин ҳам чидаёлмай, қочиб чиқиб кетадиган даражада бўлиб қолган... Биз ҳам noилож спектаклнинг охиригача ўтиришга мажбур бўлдик. Худога минг қатра шукр деб, томоша залидан чиқиб кетаётсак Олим ака ёнимизга келиб: «Мана кўрдингиз, бизнинг аҳволимиз шу! Сизнинг асарларингизни ўқиганман. Энди бизнинг театримизга ҳам бир ёрдам бермасангиз бўлмайди», деб туриб олдилар.

Ушбу таклифдан сўнг, ҳангу манг бўлиб қолдим, «Ахир драматург бўлмасам, қанақа қилиб ёрдам беришим мумкин?»

«Қўлингиздан келади» деди у киши.

Олим аканинг ёнига ўша йиллари режиссёрлик қилган Баҳодир Йўлдошев келди. У ҳам икки оёғини бир этикка тиққандай ўз гапида туриб олди. «Битта комедия қилиб бермасангиз бўлмайди. Уч кунда хабарини берасиз», деди. Мен ҳам «Хўп, бир яхшилаб ўйлаб кўраман», — дедимда ўша кезлари «Саодат» журналида босилган бир ҳажвиямни олиб бориб берган эдим. «Ўқиб кўринглар», дедим. Бор гап шу.

...Бир кун алламаҳалда уйга борсам, Баҳодир Йўлдошев эшигим олдида кутиб турган экан. Қўлида журнал. «Мана шуни пьеса қилиб берасиз» деб туриб олди. Шу десангиз, ўзим ҳам берилган вазифадан қизиқиб кетдим шекилли, кечаси билан ўтириб, бир пардасини ёзиб ташладим. Эртасига Ҳамза номидаги театрга йўл олдим. Борсам Баҳодир Йўлдошев кутиб турган экан. Қўлимдагини олиб «Э-ҳа, жуда зўр-ку! Буёғини ҳам ёзинг!» — деди. Унинг шу сўзидан сўнг янада қизиқиб кетиб, кечаси билан яна бир пардасини ёздим. Униси ҳам Баҳодиржонга маъқул бўлди. Учинчи пардасини нима қилишимни билмай, бир ярим ой театрдан қочиб юрдим. Гоҳ Наманганга, гоҳ Андижон-у Фарғонага кетиб қоламан, гоҳ Самарқандга... Театрдагилар эса мени ҳамма ерда қидириб юришибди. «Ия, бу қаерларда юрибсиз ўзи? Ахир, пьесанинг давоми қани?» деб сўради Баҳодир Йўлдошев. «Ҳеч бўлмаяпти»... деб айтиб қўяқолдим. «Кечирасиз, энди унақаси кетмайди! Кўпчилик маслаҳат билан қиламиз» деди Баҳодир Йўлдошев...

Ана шундан кейин режиссёр Баҳодир Йўлдошев репетицияни бошлаб юборди. Буни кўриб ич-ичимдан завқланиб кетдим. Иш битди, қутулдим деб хурсанд бўлсам, йўқ, уларнинг ҳам комиссияси бўларкан. Қабул пайтида ўша учинчи саҳна кўринишини сира қабул қилмади-да! Ана шунда киши ич-ичидан жуда эзилиб кетаркан... Биласизми, йўқми, Баҳодир Йўлдошевнинг Георгий Брим деган қадрдон дўсти бор. Зўр рассом. Баҳодир билан иккиси пичирлашиб ўтиришди-да, бир қарорга келишди. «Янги гап ва ҳаракатлар қўшмаймиз, олдинги саҳналарни қайтарамиз», деди Баҳодир Йўлдошев. «Қанақасига?» десам. «Ўша Фармонбибининг эрта саҳарда, кечқурун болаларидан пул олиш саҳнасини унинг ўзига кўрсатамиз. Ўғиллари келинлар бўлиб чиқишади» деди. Бундоқ ўйлаб қарасам, менга жуда маъқул тушди. Ўша заҳоти ижро этишди. Ниҳоятда кулгили манзара пайдо бўлди-қўйди. Кейин, буёғи жуда осон кўчди. Ўзбек қария аёллари, қайнона-келинлар можаролари кўпдан бери хаёлимни банд қилиб юргани учунми, қолган текстларни жуда тез ёздим. Ёпишмаган жойларини тузатдим. Томошабинларга, актёрларга ҳамда энг асосийси уларнинг комиссияларига жуда маъқул тушди.

«Келинлар қўзғолони» том маънода театр бағрида бунёдга келди. Саҳнага қўйилишдан аввал мўлжалланган етти келин, етти ўғил ва бир қайнона ролларига ижрочилар танлашни ва улар билан таништиришни сўрадим. Актёрлар истеъдоди ва инсоний хусусиятларини ўргандим. Мана шу жараёндаёқ характерлар, асар композицияси, диалог пишиб етилди. Бунда шубҳасиз, постановкачи режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва ижрочилар жамоасининг ҳам ҳиссаси жуда каттадир. Хуллас шу зайл уч пардали кулгили, қувноқ комедия майдонга келди.

Хуллас, режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг хизмати катта бўлиб, асарнинг саҳнавийлигига кўпроқ аҳамият берган ва шу нуқтаи назар билан ёндошиб, пьесага жуда кўп ўзгартиришлар киритган. Режиссёр актёрларнинг ҳар бирига хос бўлган ташқи кўриниш, юриш-туриш, кўз қарашлар, сўзлашиш манераларини топиш устида жуда кўп ишлади. Театрда ҳам қарийб барча ижрочилар ўз ролларини ўйнашмайди, балки ўз комик қаҳрамонларининг ҳаёти билан яшайди, десам сира муболаға бўлмайди.

**—... Шундай бўлиб кетишини ўйлаганмидингиз?**

— Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Шу-шу бўлдию тинчим бузилди-ю ижодимга ўтира олмай қолдим.

**— Нима учун?..**

— Нимага деганингизда, мен гоҳ Ленинобод театрига отлансам, гоҳ Душанбе — Тожик Давлат академик театрига спектакль премьерасига йўл оламан. Гоҳ Фармонбибини Мулла Нафес номли Туркман давлат академик драма театрида Халқ артисти Сўна Муродова ижросида кўрсам, гоҳ Олмаотада М. Авезов номли Қозоқ Давлат драма театрида Халқ артисти Собира Майқонова ижросида томоша қиламан. Бир ёқда гоҳ Озарбайжондан, гоҳ Қирғизистондан, гоҳ Махачкалъадан, Доғистон драма театридан, гоҳ Грозний — Чечен-Ингуш театридан «Келинлар қўзғолони» саҳналаштирилаётгани ҳақида хат-хабарлар оқиб кела бошлади.

Мен ўзим билан гоҳ Носир Фозилов, гоҳ Неъмат Аминовларни олиб борардим. Чунки, улар тилни яхши билганлари учун, гоҳ Олмаотага, гоҳ Душанбега олиб кетардим. Шу таҳлит «Келинлар қўзғолони» қисқа вақт ичида 30 дан ортиқ театрлар репертуарларидан мустаҳкам ўрин олди...

Кейинчалик билсам, оила, она-бола, қайнона-келин мавзуси ҳеч бир Шарқ миллатига бегона эмас экан.

**— Комедиянгиз Лаосда, Хитойда, Америка Қўшма Штатларининг бешта штатида намойиш қилинган экан...**

— Кунлардан бир куни Хитой Халқ Республикасидан, Урумчи шаҳридан «Келинлар қўзғолони» саҳналаштирилгани ҳақида мактуб, рангли суратлар ва пьесанинг «Шижон» журналида чоп этилган нусхасини ҳам олдим. Кейинчалик, чет эллар билан маданий алоқалар жамиятининг ташаббуси билан Хитойга бориб келдим. Аммо спектаклни кўришга муваффақ бўлмадим. Театр мамлакат бўйлаб гастроль сафарига кетган экан. Шунга қарамай қувондим. Чунки, Фармонбиби жаҳон бўйлаб сафарга отланган эди.

Хитойга борган йилларим, ўлкамизга ташриф буюрган Лаос Республикаси делегацияси «Келинлар қўзғолони» спектаклини кўрибди-ю уни ўз мамлакатларида саҳналаштиришни ихтиёр этишибди. Тез орада саҳналаштирувчи режиссёр Баҳодир Йўлдошев Лаосга таклиф қилинибди. Ҳамкорликда яратилган ушбу қувноқ комедия лаосликларга ҳам маъқул ва манзур бўлибди.

Лекин спектаклдаги бир саҳна—пора олиб, пора бериш саҳнаси тушириб қолдирилибди. Чунки, Лаос халқининг тушунчасида, ҳатто тили, луғатида ҳам «пора» деган сўзнинг ўзи йўқ экан.

«Келинлар қўзғолони» омади кулиб боққан асар бўлди. Театрда ҳам, кинода ҳам ютқазмади. Халқ катта қизиқиш билан қарши олди. Ҳар бир асар — бир фарзанд ёзувчи учун. Мен мана шу боламдан розиман.

**Кинорежиссёр Мэлс Абзалов томонидан экранлаштирилган «Келинлар қўзғолони» кинокомедияси собиқ Иттифоқимизда, ҳатто бир вақтнинг ўзида АҚШнинг 5 та штатида намойиш қилинган экан.**

**Шу тариқа, оддий бир ўзбек оиласининг ҳаёти билан океан ортидаги халқлар ҳам танишиш имкониятига эга бўлдилар.**

**Спектаклдаги Фармонбиби ролини Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева яратган бўлса, кинода Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова ижро этди. Бу ҳам ўзига хос бир талқин бўлди.**

**Айтишларича, айрим кинотеатрлардаги киноленталар қайта-қайта қўйилаверганидан қирилиб, уриниб, узилиб кетган экан. Бу ҳам томошабинларнинг фильмга, унинг ижодкорларига берган юксак баҳосидан дарак бермайдими?!**

**...Фармонбиби бормаган «маршрутлар», у киши чиқиши керак бўлган минтақалар ҳали жуда кўп.**

Мирбаҳодир БАДАЛОВ,
Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

*Саид АҲМАД*

## ХАНДОН ПИСТА

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти атоқли адибимизнинг «Хандон писта» номли китобини нашр этди. Унда адибнинг сўнгги йилларда ёзган ҳажвлари ўрин олган. Қуйидаги ичакузди ҳангомалар шу китобдан олинди.**

### ҚАЙСИ ОЙБЕК?

Ойбек ака янги асар устида ишлаётганда жуда хаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан кўзи тушиб қолса, яна кўришаверарди.

Домла Союз деворий газетасининг 1 май сонида: «Ойбек янги романини тугатиш арафасида» деган ахборотни ўқиб туриб:

— Ойбек? Қайси Ойбек, оббо ғўдайган-е! — деб юборди.

Шундан кейин ҳуши ўзига келиб, деворий газетага, кечирасиз-да, деб, залга кириб кетди.

### ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ

Хоразмлик шоир Раҳим Бекниёз умрида луччак шафтолини кўрмаган экан. Абдулла Қаҳҳорни кўргани боғига кирганда домла дастурхонига ялтираб турган бир сават луччак шафтоли қўйди.

— Ия,— деди Раҳим Бекниёз,— домла бу шафтолиларнинг жуни қани?

Абдулла Қаҳҳор жавоб қилди:

— Раҳимжон, укам, сиз келасиз, деб шафтолиларни Қибрайдаги сартарошхонага опчиқиб жунини қирдириб келдим.

— Раҳмат, раҳмат домла, бекорга овора бўпсиз-да,— деб миннатдорчилик билдирди Раҳим Бекниёз.

### «КАЗБЕК» ТЕКИНГА ТУШДИ

Бир шоир (ҳозир халқ шоири унвонини олган) Шайхзода домладан 200 сўм пул қарз олиб, бермай қочиб юрганди.

Домла пулдан кўнгил узолмай юрарди. Бир куни у Туроб Тўла билан учрашиб қолди.

— Бир иш бор, шоир афандим. Агар эпласангиз осонгина 150 сўм ишлаб оласиз. Бир шогирдимиз мендан 200 сўм пул қарз олган. Шу қарзни сизга 50 сўмга сотаман оласизми?

— Инсоф қилинг, Шайх ака,— деди Туроб Тўла.— Миртемир домла ўша шоирга қарз берган 500 сўм пулни менга уч сўмга сотдилар. Агар хўп десангиз, ўша икки юз сўмингизга икки сўм берай. Ундиролмасам нақд икки сўмга куйиб қолишим мумкин.

Шайхзода ўйланиб туриб қўлини силтади.

— Бўпти. Унмайдиган 198 сўмдан нақд икки сўм яхши. Бугун ўнг ёнбошим билан турган эканман, икки қадам босмасимдан икки сўм ишладим. Қани, чиқазинг шоир. Бир пачка «Казбек» текинга тушди!

### ҚОВУН ТУШИРАЙ ДЕБМАН-КУ!

Миртемир домла кейинги пайтларда яхши эшитмайдиган бўлиб қолгандилар. Туйғун деган шоир вафот қилган куни жанозага машинасиз борақолай, деб кўчадан такси тўхтатдик. Қарасам таксида домла Миртемир бир қучоқ гул кўтариб ўтириптилар. Аввалига, китобхонлар билан учрашувдан келяптилар, деб ўйладим. Аммо ёнларидаги ўриндиқда бир коробка «Торт» билан тўрхалтада иккита коньякни кўриб ҳайрон бўлдим.

— Йўл бўлсин, домла? — дедим.

— Туйғунникига. Союздан телефон қилиб соат иккида Туйғунникига келинг, дейишди. Тўйга қуруқ бормай, деб магазиндан у-бу олдим.

— Домла,— дедим,— Туйғунникида тўй бўлаётгани йўқ. Бечора бандаликни бажо келтирипти. Пешин намозида жанозаси ўқилади.

— Ия, ия, оз бўлмаса қовун туширай депман-ку.

У шундай, деб шофернинг елкасига қўлини қўйди.

— Бўтам, орқага қайт. Манавуларни уйга ташлаб, кейин бораман.— Домла менга ўгирилиб:— Жанозадан кейин бизникига келамиз. Икковимиз манавуларни ичиб, Туйғуннинг «поминка»сини ўтказамиз,— деди.

### ЁР ИЗЛАБ

**(Бадиий очерк)**

Санъат саройида бўлаётган Саккизинчи март халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилишга мени киритишмади. Эшикда турган тилла тишли жужурний хотинга ичимда йиғилиб қолган ҳамма гапларни тўкиб солдим.

— Ахир, мен ўн гулидан бир гули очилмаган 72 ёшли йигит бўлсам, нечукки сен мени отахон, дейсан. Мен бу ерга ўзимга муносиб ёр излаб келганимни биласанми?

У бўлса мени масхара қилаётгандек тилла тишини кўрсатиб кулди. Кулиб туриб менга ғалатироқ қараш қилди. Ҳе, йўқ, бе йўқ, мени олмайсизми, деб юборди-я! Сесканиб кетдим. Унга дурустроқ қарадим. Бинойидек. Қадди-қомати ҳам жойида. Ҳали қирқдан ошмаган, башарасида битта ҳам ажин йўқ. Жуда менбоп аёл экан. Унга сузилиб туриб «олганим бўлсин», дедим. У бўлса эртага МВДга совчи юборинг, улар министрнинг олдига кириб, подполковник Холдоровага совчиликка келдик, деб айтишсин, деди.

Бир қочиш қилдим! Ўлай агар, бунақа қочишга ОБХСнинг ити ҳам етолмайди.

### КЕЧАСИ СОАТ 3 ДА БЕВА ЁЗУВЧИНИНГ КАЛЛАСИГА КЕЛГАН ГАПЛАР

Қайта қуриш бундан қирқ йил олдин бошланган бўлса-ю, отанг билан онанг ҳам қайта ишланган бўлса, сени ким туғарди?

***

Бақироқ, ёқимсиз қўшиқчи энди авжига чиққанда тўхтатиб, соат неччи бўлди, деб сўраш керак.

***

Баъзи ёш қизлар ёзувчиларнинг пули кўп деб ўйлашади. Ёзувчига эрга тегиб кўришса қанақалигини билишарди. Шу мирқуруқ ёзувчигаку эрга тегибсан, кўраяпсанки тирикчилик ўтмаяпти. Ажраладиган бўлсанг, бўйнингдаги етти шода дурни, қулоғингдаги бриллиант кўзли зиракни, бармоғингдаги олмос қадалган узукни сотмасдан олдин ажралсанг бўлмасмиди?

***

Телестудиядаги чиройли диктор қизларни ишдан бўшатиб, ўрнига кампирларни қўйиш керак. Чолларнинг кўнглини бузишга йўл қўймаймиз. Ветеран пенсионерларнинг талаби шу!

## ТАРИХИМИЗНИНГ БИР БЎЛАГИ

**Ёқуб АҲМЕДОВ,**
**халқ артисти, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг директори:**

— Юрагимдаги бир сўзни бугун айтишим керак: «Уфқ» сингари романлар ҳаётда бир марта ёзилади. Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб янги томоша саҳналаштирмоқчи бўлдик. Кўп асарларни ўқиб кўрдик. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи бизни ҳар томонлама қаноатлантирди. Уни ўқиймизу халқимизнинг буюк иродасини, ғалабага бўлган ишончини қалбимиздан туямиз. Қулоғимиз остида эса уруш суронлари янграгандек бўлади. Раҳматли Абдулла Қаҳҳор ушбу асар ҳақида «илҳом ва меҳнат самараси» деб бежиз айтмаганлар.

Саид Аҳмад акадан жуда миннатдормиз. Бир ҳафтада романнинг саҳнавий нусхасини тайёрлаб бердилар. Икромжон дарёдил инсон. Орномусли инсон, садоқатли, фидойи инсон. Унинг юзи кулса ҳам, қалби йиғлайди. Асарда бу хусусият ниҳоятда моҳирона тасвирланган. Мана шу ҳолатларни саҳнада очиб беролган бўлсам муродимга етган бўламан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов саҳналаштирган «Уфқ» томошасида Зуҳра Ашурова, Лола Элтоева (Зеби), Фатхулла Маъсудов, Толиб Мўминов (Низомжон), Тоҳир Саидов (Турсунбой) ва бошқалар ўз ролларини жуда маромига етказиб ўйнашди. 3 майдан то 17 майгача 14 кун давомида премьера бўлиб ўтди. Одамлар ҳам гавжум бўлди.

Тарихимизнинг бир бўлаги санъаткорона акс эттирилган «Уфқ» томошаси театримиз саҳнасидан ўзига хос мўътабор ўрин олади, адиб тўйига муносиб туҳфа бўлади деб ўйлаймиз.

Саид Аҳмад акамиз 75 ёшга кирсалар ҳам худди навқирондек. Юраги эзгуликка тўла бу инсон театримиз учун ҳали кўплаб ажойиб асарлар ёзиб беришига ишонаман.

Ғолиб МИРЗО ёзиб олди.



Саид Аҳмаднинг Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида ўйналаётган «Куёв» томошасидан лавҳа.

## МУВАШШАХ

Сўрманг, ёшлик хаёлимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас,
Ажаб даврон висолимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас.
Ижозат этсангиз 80-90 да ҳам қолмай ёлғиз,
Дилим ҳайрон, ишқ кўнглимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас.
Айб этмангиз синглим, қизим, сизларга кўпроқ тикилсам,
Хаёлингиз хаёлимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас.
Муҳаббат берган илҳомдан, белимга инди қувватлар.
Армоним асти дилимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас.
Дилдан суҳбат қуришайлик бир пиёла чой устида,
Бу ишқим, дўст-ёр, элимдан узоқ кетмас, узоқ кетмас.

Санобар РАЗЗОҚОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

